“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИНОЯТОВА МАНЗУРА МИРХАБИБ ҚИЗИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2026

УЎК: 332.3:631.111(043)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по экономическам наукам

Content of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD) in Economics Sciences

Иноятова Манзура Мирхабиб қизи
Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш 3

Иноятова Манзура Мирхабиб кизи
Совершенствование организационно-экономических механизмов землепользования в сельском хозяйстве 27

Inoyatova Manzura Mirkhabib kizi
Improving the organizational and economic mechanisms of land use in agriculture..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 56

“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИНОЯТОВА МАНЗУРА МИРХАБИБ ҚИЗИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2026.1.PhD/Iqt6308 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiiame.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Умаров Сухроб Рустамович** иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Султанов Баходир Файзуллаевич** иқтисодиёт фанлари доктори
	Нарбаев Шарофиддин Кенгешович иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Етакчи ташкилот:	**Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiiame.uz

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiiame.uz

Диссертация автореферати 2026 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2026 йил “___” _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.А. Чариев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

И.О. Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Н.С. Хушматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида ер ресурсларининг чекланиши ва аҳоли сонининг ўсиш тенденцияси шароитида мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан кучайиб бораётган эҳтиёжларини қондириш муаммоларини ҳал этиш бугунги кунда, айниқса, келажакда ер ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланишга бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу боис, “ақлли” қишлоқ хўжалигини шакллантириш жараёнларида ер муносабатлари билан бир қаторда мавжуд ер ресурсларидан, айниқса, суғориладиган ерлардан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. БМТ Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат ташкилоти (ФАО)нинг ҳисоботида, жумладан, “...қишлоқ ва шаҳар ҳудудларида ерлардан самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш озиқ-овқат ва сув ресурсларини барқарор таъминлашда муҳим аҳамиятга эга ва бу ўз навбатида, ер муносабатларини тартибга солишни талаб қилади...”[1] деб алоҳида таъкидланган. Чунки, глобал иқлим ўзгаришлари, ерлар деградацияси ва чўлланиш жараёнларининг салбий таъсирини юмшатиш ва камайтириш нафақат қишлоқ ҳудудларида, балки, шу билан бирга, давлат даражасида иқтисодий-ижтимоий ва экологик жиҳатлардан устувор аҳамиятга эгалигини алоҳида қайд этиш лозим.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб илмий-тадқиқот институт ва марказларида қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга инновацион технология ва усуллар жорий этиш, маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва етиштириш сарф-харажатларини камайтириш, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга бағишланган замон талабларига мос эътиборга лойиқ илмий-назарий ва услубий-амалий изланишлар олиб борилмоқда. Масалан, ерларни оптимал қайта тақсимлаш масалалари, экин ерлар табиий ва иқтисодий унумдорлигини ошириш ва пасайишининг олдини олиш, инвестициялар жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, ерлар деградациясини бошқаришда табиий омиллар билан бирга иқтисодий омилларнинг таъсирини кучайтириш, қишлоқ хўжалиги ерларининг ишлаб чиқариш айланмасидан чиқиб кетишининг олдини олиш ва қайта тиклаш, қишлоқ хўжалиги ерларининг рақамли кадастрини юритиш ва хариталарини тузиш ҳамда баҳосини аниқлаш бўйича инновацион ечимлар шулар жумласидандир. Бироқ, урбанизация жараёни ва аҳоли сонининг ўсиш даражаси, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларининг интенсив ривожланиши каби тенденциялар ўз навбатида келгуси даврларда ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни мақбул қайта тақсимлаш масалаларини ҳал қилиш давлат даражасида стратегик режалаштиришни тақозо этади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 26,2 млн. гектар ерларнинг атиги 16,1%и суғориладиган ерларни ташкил этиб, уларнинг 44,0%и турли даражада шўрланган ерлар ҳисобланади. Сўнгги 15 йил мобайнида аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ерлар 24%га (0,23 га дан 0,16 гача)

[1] https://www.fao.org/The State of the World’s Land and Water Resources for Food and Agriculture.

камайган. Мазкур ҳолат аҳоли сонининг ўсиши, сув ресурсларининг камайиши ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг бошқа ер фонди тоифаларига ўтиши ва тармоқларга қайта тақсимланиши натижасида юзага келган. Шундан келиб чиқиб, ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг рақамли кадастр тизимини ривожлантириш, ердан фойдаланиш билан боғлиқ мулкий муносабатлар ҳисобини юритиш учун кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини ҳисобга олишнинг ягона ахборот тизимини яратиш, ер ресурсларини бошқариш соҳасини рақамлаштириш орқали улардан фойдаланиш тизими иштирокчилари ўртасидаги алоқаларни интеграциялаш каби йўналишларига устувор даражада эътибор қаратиб келинмоқда. Шу боис, истиқболда "...ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқи қийматини бозор нархларида аниқлаш тартибини қайта кўриб чиқиш орқали ер участкаларига бўлган ҳуқуқдан гаров таъминоти сифатида фойдаланиш механизмини такомиллаштириш..."[2] стратегик вазифа сифатида белгилаб қўйилган. Ушбу ва шу каби бошқа муҳим вазифаларни самарали ҳал этиш зарурияти нуқтаи-назардан қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва татбиқ этишга оид илмий асосланган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги, 2025 йил 12 сентябрдаги ПФ-172-сон "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда маҳсулот етиштиришнинг узлуксизлигини таъминлаш ва ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари, 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5006-сон "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2024 йил 13 февралдаги ПҚ-71-сон "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни деградациядан муҳофаза қилиш, тупроқда гумус миқдорини ошириш ва унинг унумдорлигини юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ҳамда мазкур йўналишларга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий актларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг I. "Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш" устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалигида ерлардан фойдаланиш тизимини бошқариш ва самарадорлигини ошириш омилларининг таъсирини баҳолаш, ресурстежамкор технологиялар жорий этиш орқали аҳоли ва бозор талабларига мос сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш каби

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони. – https://lex.uz/docs/4567334.

йўналишларда Астахова И., Варламов А.А., Вершинин В.В., Газалиев М.М., Волков С., Леппке О.Б., Ушачев И., Югай А.[3] каби хорижий иқтисодчи олимлар эътиборга лойиқ илмий-тадқиқотлар олиб боришган.

Республикамизда У.П.Умурзаков, А.С.Алтиев, С.Авезбаев, К.А.Чариев, А.С.Чертовицкий, Б.Ф.Султанов, Ш.Т.Ҳасанов, Ш.К.Нарбаев, А.К.Базаров, А.Рахматуллаев, Э.Қурбонов, Ў.Б.Мухторов, Ш.К.Рахмонов, Ч.П.Хўжагелдиев, Ю.А.Усмонов[4] каби аграр иқтисодчи олимларнинг илмий изланишлари асосан ер муносабатларини тартибга солиш ва рағбатлантириш, деградацияга учраган суғориладиган экин майдонларини тиклаш ва қайта фойдаланишга киритиш, ер ресурсларини тармоқлараро тақсимлаш ва ер кадастрини такомиллаштириш каби муҳим муаммолар ечимларини топишга бағишланган.

Бироқ, ҳозирги иқтисодиётни рақамлаштириш ва “яшил” технологиялар шароитида қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини ва иқтисодий-ташкилий механизмларини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда илмий-назарий ва услубий-амалий нуқтаи-назардан такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, ер ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланиш каби муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини янада кўпайтиришни талаб қилади. Шу жиҳатдан, қишлоқ хўжалигида ушбу муаммоларга боғлиқ ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш ва амалиётга самарали татбиқ этиш йўлларини ишлаб чиқиш зарурияти ушбу тадқиқотнинг аҳамияти ва долзарблигини белгилаб беради.

---

[3] Варламов А.А. Управление земельными ресурсами. – М.: ГУЗ, 2005. – 240 с.; Вершинин В.В. Проблемы деградации и возобновление продуктивных земель сельскохозяйственного назначения в России. – Москва, 2008. - 215 с.; Волков С.Н. Экономика землеустройства. – М.: Колос, 2006. – 370 с.; Астахова И. Управление региональными земельными ресурсами на основе принципов устойчивого землепользования. - дис...к.э.н.. - Майкоп, 2011. – 163 с.; Газалиев М.М. Земельные отношения на современном этапе. - Калуга: ООО «Полиграф-информ», 2003. - 46 с.; Леппке О.Б. Научные и организационно-экономические основы регулирования земельных отношений в условиях переходной экономики. - Москва, 2001. - 112 с.; Ушачев И., Югай А. Организационно-экономические основы стимулирования рационального использования селскохозяйственных земель и производства экономически чистой продукции. – Методологической пособие. – М.: ВНИИЭСХ, 2006. – 302 с.

[4] Чариев К.А. Проблемы аграрного ресурсного потенциала в условиях перехода к рынку. – Т.: Фан, 1992. – 182 с.; Умурзаков У.П. Повышение эффективности использования ресурсного потенциала аграрного сектора экономики Узбекистана. – Т.: Фан, 2005. – 211 с.; Чертовицкий А.С., Базаров А.К. Система землепользования Узбекистана. – Т.: Фан, 2007. – 415 с.; Алтиев А.С. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш. - и.ф.д. дисс. автореферати. – Тошкент, 2018. - 83 б.; Ҳасанов Ш.Т. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. - и.ф.д. дисс. автореферати. – Тошкент, 2017. - 66 б.; Султанов Б.Ф. Қишлоқ хўжалигида мелиоратив тадбирлар самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш. - и.ф.д. дисс. автореферати. – Тошкент, 2020. - 77 б.; Рахматуллаев А. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик ер муносабатларини такомиллаштириш. - и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация иши. – Тошкент, 2002. – 123 б.; Қурбонов Э. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида суғориладиган ерлар самарадорлигини ошириш йўллари. - и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация иши. – Т.: УзБИИТИ, 2004. – 126 б.; Нарбаев Ш.К. Яйловлардан фойдаланиш тизимини шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси материаллари мисолида). – и.ф.ф.д. диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – 51 б.; Мухторов Ў.Б. Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш. – и.ф.ф.д. диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2021. – 52 б.; Рахмонов Ш.К. Ер ресурсларини тармоқлараро тақсимотида қишлоқ хўжалигининг устуворлигини таъминлаш. – и.ф.ф.д. диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – 45 б.; Хўжагелдиев Ч.П. Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини оширишни рағбатлантириш. – и.ф.ф.д. диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2022. – 56 б. Усманов Ю.А. Деградацияга учраган суғориладиган ерларни тиклаш ва фойдаланишга киритиш механизмларини такомиллаштириш. – и.ф.ф.д. диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2024. – 52 б.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида ерлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ва оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми ва назарий-услубий асосларини тадқиқ этиш;

қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишга оид хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларни республикамизда қўллаш йўллари бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

республикамиз ер фонди таркиби ва ресурслари билан таъминланиш ҳамда қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигининг ҳозирги ҳолатини тадқиқ қилиш;

қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигида ерлардан самарали фойдаланиш ва бу жараёнда янги технологиялар жорий этган хўжаликларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мехнизмлари бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

республика қишлоқ хўжалиги ерлари ҳажмининг истиқбол параметрларини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида республикада фаолият юритаётган фермер ва деҳқон хўжаликлари танлаб олинган ва монографик тадқиқот ишлари Тошкент вилоятида олиб борилган.

Тадқиқот предметини қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш тизими иштирокчи субъектлари ўртасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида иқтисодий таҳлил, мантиқий, монографик ўрганиш, статистик гуруҳлаш, илмий мушоҳада, синтез, қиёсий ва тизимли таҳлил каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида тупроқ табиий, иқтисодий ва сунъий унумдорлигини ошириш ва ҳимоялаш мақсадида қўлланиладиган инновацион технологиялар ва биологик усулларнинг экинлар ҳосилдорлиги, маҳсулотлар сифати ва ишлаб чиқариш харажатларига таъсирини уларнинг ўзаро боғлиқлик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш бўйича услубий ёндашув ишлаб чиқилган;

иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишдан манфаатдор хўжалик юритиш субъектлари, ташкилот ва корхоналар учун рақамли геоахборот технологиялари ёрдамида маълумотлар тўплайдиган ва уларни истеъмолчилар эҳтиёжларига мос тақдим этишга хизмат

қиладиган “Туман рақамли ахборот базаси”ни ташкил этиш, унинг аҳамияти ва афзалликлари илмий-амалий жиҳатдан асосланган;

қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш жараёнида уларнинг шўрланиш ва деградацияси даражасини сурункали оширишга йўл қўйган хўжаликларни давлат томонидан жаримага тортиш механизми ва индикаторлар тизими бўйича илмий асосланган услубий ёндашув ишлаб чиқилган ва тавсия этилган;

қишлоқ хўжалиги ерлари, шу жумладан, суғориладиган ерлар ҳажмининг 2030 йилгача бўлган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ер участкаларини рўйхатга олиш, ерни баҳолаш ва тупроқ балл бонитети каби маълумотларни геоахборот технологиялари асосида интеграция қилувчи ягона ахборот модели ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги экин ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва деградациясини камайтириш даражасига қараб хўжалик субъектларини давлат томонидан табақали молиявий рағбатлантириш кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

ёғингарчилик миқдори, сув ресурслари ҳажми, мелиорация ишлари, аҳоли сони, ўртача ҳарорат, захира ва шўрланган ерлар ҳажми каби омиллар таъсири асосида қишлоқ хўжалиги ерлари, жумладан, суғориладиган ерлар ҳажмининг истиқболга мўлжалланган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Иқтисодчи олимларнинг ердан самарали ва тежамли фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий-назарий ва услубий-амалий изланиш натижаларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, тадқиқот жараёнида қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг асосланганлиги, ахборот базасининг расмий манба ва монографик ўрганилган хўжаликлар ҳисоботларидан олинганлиги ҳамда илмий янгиликлар ва амалий тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотда тавсия этилган қишлоқ хўжалигида тупроқнинг табиий, иқтисодий ва сунъий унумдорлигини ошириш ва ҳимоялаш мақсадида қўлланиладиган инновацион технологиялар ва биологик воситалардан экинлар ҳосилдорлиги, маҳсулотлар сифати ва ишлаб чиқариш харажатларини баҳолаш услубий ёндашувларини такомиллаштиришда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, қишлоқ хўжалиги ерларига боғлиқ маълумотларни тўплаш, уларни истеъмолчи субъектларга тез ва сифатли тақдим этишга ёрдам берадиган “Туман рақамли ахборот базаси”ни ташкил этиш, қишлоқ хўжалигида ерлардан самарали фойдаланишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш истиқболларига оид дастур, лойиҳа ва чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш, олий таълим муассасаларида “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” “Сув хўжалиги иқтисодиёти” ва “Агросаноат мажмуи иқтисодиёти” каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва замонавий тадқиқот мавзуларини танлаш жараёнида фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қишлоқ хўжалигида тупроқни ҳимоялаш (эрозияга қарши), унумдорлигини оширишга қаратилган технологик тадбирларни қўллаш ҳисобига олинадиган йиллик иқтисодий самара ҳажмини аниқлаш бўйича услубий ёндашув Тошкент вилояти Фермерлар кенгаши томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Фермерлар кенгашининг 2026 йил 4 мартдаги 01/03-0062-сон маълумотномаси). Натижада, қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқни эрозиялардан ҳимоя қилишда қўлланиладиган янги технологияларни олинадиган йиллик базавий иқтисодий самарани аниқлаш имконияти яратилади;

геоахборот технологиялар асосида қишлоқ хўжалиги ерларига боғлиқ маълумотларини тўплайдиган ва умумлаштирадиган “Туман ахборот базаси”ни ташкил этиш бўйича таклиф Тошкент вилояти Фермерлар кенгашида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Фермерлар кенгашининг 2026 йил 4 мартдаги 01/03-0062-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф келгусида туманлар кесимида ер участкаларини рўйхатга олиш, баҳолаш, ижарага бериш ва ижара ҳақи, тупроқ таркиби ва бонитети каби маълумотларни ягона геоахборот базасига бирлаштириш имкониятини яратади;

қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда хўжаликлар томонидан йўл қўйилган тупроқ деградацияси даражасига қараб уларга давлат томонидан жарима белгилаш механизм ва индикаторларини жорий этиш бўйича услубий ёндашув Тошкент вилояти Фермерлар кенгаши томонидан хўжаликларга жорий этилган (Ўзбекистон Фермерлар кенгашининг 2026 йил 4 мартдаги 01/03-0062-сон маълумотномаси). Натижада, қишлоқ хўжалиги ерларининг тупроқ деградацияси даражасини ҳисобга олувчи кўрсаткичлар орқали хўжаликларни рағбатлантириш ёки жазолаш механизмини қўллаш имконияти яратилади;

қишлоқ хўжалиги ерлари, шу жумладан, суғориладиган ерлар ҳажмининг 2030 йилгача прогноз параметрлари Тошкент вилоятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Фермерлар кенгашининг 2026 йил 4 мартдаги 01/03-0062-сон маълумотномаси). Натижада, 2030 йилга бориб, қишлоқ хўжалиги ерлари 28521,51 минг ва суғориладиган ерлар ҳажми эса 3997,0 минг гектаргача ошиши прогноз қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 8 та, жумладан 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 148 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва услубий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигида ерлардан самарали фойдаланишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалигида ерлардан самарали фойдаланишнинг объектив зарурияти, суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг назарий-услубий асослари, хорижий давлатларнинг қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш тажрибалари ва улардан фойдаланиш имкониятлари ёритилган.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришдан асосий кўзланган мақсад мавжуд камёб ресурслардан самарали фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан иборат. Ресурслар сарфини камайтириш замирида кўпроқ даромад олиш вазифаси ҳар бир ҳудуднинг табиий-иқлим шароити, ер ва сув таъминоти даражаси, тупроқ таркибининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш салоҳиятидан унумли фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади.

Ер табиий объект сифатида бошқа табиий объектлар: ер ости бойликлари, сувлар, ўрмонлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, шунингдек, табиий қайта тикланадиган энергия ва космик ресурслар билан экологик ва такрор ишлаб чиқариш алоқасида бўлади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнлари ер билан, унинг ҳолати, ундан фойдаланиш характери билан бевосита боғлиқдир. Кишилар тупроққа ишлов бериб, ернинг сиртқи қатламига таъсир кўрсатар эканлар, маданий ўсимликларни ўстириш ва ривожлантириш учун шароит яратадилар. Шу маънода ер меҳнат предметидир. Киши ер ёрдамида ўсимликка таъсир кўрсатганда ер айни вақтда меҳнатнинг актив воситасига айланади. Шундай қилиб, ер ишлаб чиқаришининг актив омили сифатида ҳаракат қилиб қишлоқ хўжалигида меҳнат предмети ва меҳнат қуроли сифатида намоён бўлади. Тупроқ унумдорлиги ернинг энг муҳим сифати ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ерларида турли эрозия жараёнлари амалиётда табиий, антропоген ва экологик омиллар таъсирида вужудга келади. Суғориладиган ерларда сув, шамол, ирригацион ва техноген каби эрозиялар ҳосил бўлади. Сув эрозияси ёмғир ва оқова сувлар таъсирида вужудга келиб, тупроқ ва унинг таркибидаги фойдали элементларнинг ювилиб кетишига сабаб бўлади. Унинг қуйидаги турлари, яъни, юза эрозияси, бунда тупроқ юза қисмининг аста-секин ювилиши; жарлик эрозияси - сув оқими чуқур жарларни ҳосил қилиши; ирмоқ эрозияси - кичик ариқча ва изларни пайдо бўлиши. Сув эрозияси, кучли ёмғир, нотўғри суғориш, ўрмонларни кесиш ва қия ерларда нотўғри деҳқончиликни юритиш натижасида вужудга келади. Шу боис, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва асраш, оқилона бошқаришни тўғри

ташкил этиш ўз навбатида улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Ушбу тадбирларни, бизнингча, табиий, антропоген ва экологик жиҳатлардан гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ (1-расм).



1-расм. Қишлоқ хўжалиги ерларида эрозия турларининг шаклланиши ва таъсир этувчи омиллар [5]

Диссертацияда ушбу омилларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун умумий ер фондидан фойдаланиш коэффициенти, суғорма ерлардан такрор фойдаланганлик даражаси, ҳосилдорлик, 1 га яйлов ва пичанзор ерлар ҳисобига олинган ялпи маҳсулот, ялпи даромад ва соф фойда каби кўрсаткичлар орқали баҳолаш тавсия этилган. Шунингдек, тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда, қишлоқ хўжалигида унумдор тупроқни эрозиялардан ҳимоя қилиш мақсадида қўлланиладиган технологик тадбирлар самарадорлигини баҳолашда қуйидаги услубий ёндашув таклиф этилади, жумладан:

фаолияти баҳоланаётган юридик шахс мақомидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик субъектларида ўтган йилги мавсумда тупроқ эрозиясига қарши технологиялар қўлланган экин майдонларида аниқ экинлар бўйича олинган ўртача ҳосилдорлик даражаси (ЭЭэ) (ц/га) аниқланади;

[5] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

фаолияти баҳоланаётган юридик шахс мақомидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик юритиш субъектларида тупроқ эрозиясига қарши тадбирларни қўллашдан аввалги база йилидаги аниқ экин турлари бўйича эришилган ўртача ҳосилдорлик даражаси ($БХ_Б$) (ц/га) аниқланади.

Юқоридаги кўрсаткичлар асосида, жумладан, эрозияга қарши тадбирлар ҳисобига олинган қўшимча ҳосилдорлик ($ОО_Х$) миқдори аниқланади ва бунда унга таъсир этувчи бошқа омиллар даражасини ҳисобга олиш учун тўғриловчи коэффициент (ТК) ёрдамида баҳолаш таклиф этилади:

$$\mathbf{ОО_Х = (ЭЭ_Э - БХ_Б)} \qquad \mathbf{(1.1)}$$

Тўғриловчи коэффициент (ТК) - тупроқ эрозиясига қарши тадбирлар ўтказилган йилдан олдинги базавий йилда ёки эрозияга қарши инвестициялар самарадорлиги баҳоланаётган жорий йилда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига сезиларли таъсир қилувчи ташқи омиллар (табиий офатлар, сув таъминотидаги узилиш, экинларга хос хавфли касаллик ва ҳашоратларнинг аномал хуружи) ҳисобига ҳосилдорлик камаядиган бўлса қўлланилади. Бунда ҳосилдорликка аномал салбий таъсир юз берган йилда амалда эришилган ҳосилдорлик даражаси “оширувчи” коэффициент ёрдамида тўғриланади. Бунда базавий йилдаги ёки кейинги йилда баҳоланадиган ҳосилдорликка нисбатан коэффициент қўллаш лозим бўлади. Коэффициентлар мутахассислар гуруҳи томонидан эксперт баҳолаш усулида қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$\mathbf{БХ_Б = Амалдаги\ хосилдорлик \times ТК} \qquad \mathbf{(1.2)}$$

Эрозияга қарши тадбирлар қўлланилган экин майдонларида эришилган ҳосилдорлик асосида бир центнер маҳсулот ҳисобидан олинган ($СФ_Т$) соф фойда, эрозияга қарши тадбирлар ўтказилган (ЭХ) ва эрозияга қарши тадбирлар ўтказишдан олдинги йиллар (ОХ) кўрсаткичлари фарқи орқали аниқланади ва олинган кўрсаткич амалдаги расмий инфляция дефолятори ($ИН_Б$) асосида тўғриланади:

$$\mathbf{СФ_Т = (ЭХ - ОХ) \times ИН_Б} \qquad \mathbf{(1.3)}$$

Ушбу кўрсаткич тегишли экин майдонларида амалга оширилган эрозияга қарши тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини ўзида акс эттириб, эрозияга қарши тадбирлар ҳисобига тегишли экин (экинлар) бўйича бир гектар экин майдонидан олинган соф фойда миқдорида ўз ифодасини топади.

$$\mathbf{ЭТС = ОО_Х \times СФ_Т} \qquad \mathbf{(1.4)}$$

Агар тупроқни ҳимоя қилиш технологиясини қўллаш натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ошса, бу сотиш нархида ифодаланади, йиллик самара ялпи маҳсулот ва фойданинг ўсишини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Тадқиқот жараёнида ўрганилган хорижий тажрибалар асосида:

қишлоқ хўжалиги тармоғи ва хўжаликларининг барча йўналишларига тегишли қишлоқ хўжалиги ерлари мониторингини юритиш (АҚШ тажрибаси);

яйловлар унумдорлиги ва яйлов ўсимликлари ҳосилдорлигини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг баллик тизимини яратиш ҳамда табиий ресурсларни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш (АҚШ тажрибаси);

хўжаликлар экин ерларининг маълум бир қисмини тупроқ унумдорлигини пасайтирувчи (дон, пахта ва бошқа ҳайдаладиган экинлар) ўрнига тупроқ унумдорлигини оширувчи экин (беда, яйлов ўт-ўланлари) ерлари категориясига ўтказганда тупроқни тиклаш тадбирлари учун давлат томонидан субсидиялар ажратиш ёки компенсациялаш (АҚШ ва ЕИ мамлакатлари тажрибаси);

агробизнесни ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминотини яхшилаш мақсадида қишлоқ, балиқ ва ўрмон хўжаликлари ерлари учун давлат томонидан кредит (ссуда) фоизларини камайтириш орқали қўллаб-қувватлаш (Япония тажрибаси);

ерларни инвентаризация қилиш, ер мониторинги маълумотларини тўплаш, сақлаш ва ишлов бериш, ер контурлари хариталарини тайёрлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш учун геоахборот технологияларга асосланган ахборот базасини ташкил этиш (Канада, Германия тажрибаси);

космик қишлоқ хўжалиги мониторинг тизими, экинларни мониторинг қилиш ҳамда экинларнинг ўсишини кузатадиган ва ҳосилни прогноз қиладиган операцион тизимни ишга тушириш (Хитой тажрибаси);

замонавий дастурий компьютер технологияларига асосланган географик ахборот тизимларни яратиш (Буюк Британия тажрибаси);

ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва тупроқ қопламини давлат ер сиёсатининг стратегик мақсади сифатида ҳимоя қилиш, ер муносабатларини яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни оптималлаштириш, тупроқларни сув ва шамол эрозиясидан ҳимоя қилиш, қайта фойдаланишга киритилган ерларни сақлаш, бузилган ерларни оқилона мелиорация қилиш ишларини амалга ошириш мақсадида давлат дастурларини қабул қилиш (Беларус Республикаси тажрибаси);

ер муносабатларини тартибга солиш учун маълумотлар базасини яратиш, яъни, ерлар сифати ва ишлатилишига таъсир қилувчи салбий жараёнларнинг прогнози, олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш тизимини йўлга қўйиш (Россия Федерацияси тажрибаси)ни республикамиз қишлоқ хўжалигида жорий этиш тавсия қилинган.

Диссертация ишининг **“Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати”** деб номланган иккинчи бобида республика қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ва ўзгариш суръати таҳлили асосида тегишли хулоса ва таклифлар тайёрлашга эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисоботига кўра, мамлакатимизнинг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони 2026 йил 1 январ ҳолатига 44892,3 минг гектарни, шундан суғориладиган ерлар 4342,5 минг гектарни ёки умумий ер майдонининг қарийб 9,7%ни ташкил қилади. 2025 йилда мамлакатимиз умумий ер фонди 2022 йилга нисбатан 0,01%га камайган ва шу таққосланган давр ичида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган яроқли ерлар 2025 йилда 3,4%га камайиб, 26220,7 минг гектарни ташкил қилган (1-жадвал).

1-жадвал.


Ўзбекистон Республикаси Ер фондининг тоифалари бўйича ўзгариш динамикаси, минг га[6]

Т/р	Ер фонди тоифалари	Йиллар:				2025 й. 2022 й.га нисбати, %, марта
		2022	2023	2024	2025	
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	27148,5	26232,3	26132,2	26220,7	96,6
2	Аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари	224,1	225,8	226,7	221,7	98,9
3	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	879,6	767,7	786,9	798,9	90,8
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаш-тириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	731,6	3222,7	3223,3	4258,6	5,8 марта
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	14,6	14,8	15,0	32,4	2,2 марта
6	Ўрмон фонди ерлари	12057,3	11738,1	12092,5	10967,7	91,0
7	Сув фонди ерлари	827,1	827,2	827,3	1041,3	125,9
8	Захира ерлар	3009,6	1863,8	1588,5	1351,0	44,9
	Жами:	**44892,4**	**44892,4**	**44892,4**	**44892,3**	**99,99**

1-жадвал маълумотларига кўра, шу давр ичида шаҳар, посёлка ва қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари 1,1%га, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа соҳаларга мақсадларга мўлжалланган ерлар 9,2%га, ўрмон фонди ерлари 9,0%га ҳамда захира ерлар 55,1%га камайган. 2025 йилда 2022 йилга нисбатан табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар 5,8 ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар эса 2,2 мартага ошган.


Ўзбекистон Республикаси ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиш таҳлили кўрсатишича, 2025 йилда умумий ер фондининг 47,2%ни пичанзор ва яйловлар ташкил этади. Шунингдек, умумий ер фондининг қарийб 9,0%ни экин ерлари, 7,65%ини ўрмонзорлар, деярли 3,0%ини бутазорлар, 1,67%ини томорқа ерлари, саҳал кам 1,0%ини кўп йиллик дарахтзорлар, 0,19%ини бўз ерлар, 0,15%ини мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар ва 30,24%ини бошқа ерлар ташкил этади (2-расм).

[6] Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланган.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши, % (2025 йил)[7]

Маълумки, қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли ерлар, шу ерларни суғориш учун сув ресурслари билан таъминлайдиган ва суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ер тоифасига киради. Ҳудудлар кесимида амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра, 2024 йил 1 январ ҳолати бўйича баъзи ҳудудларда ер майдони катта бўлишига қарамасдан, жами ер майдонига нисбатан суғориладиган ерлар улуши нисбатан паст (3-расм).



3-расм. Ҳудудлар бўйича суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг тақсимланиши, % (2024 йил)[8]

[7] Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. – Тошкент, 2024. – 63 б.
[8] Шу манба.

Республикамизнинг суғориладиган ерлари 2024 йилда 3008,8 минг гектарни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 0,3%га камайган. Шундан 1568,2 минг га донли экинлар, 125,5 минг га картошка, 282,1 минг га сабзавотлар, 76,3 минг га озиқбоп полиз маҳсулотлари, 977,8 минг га пахта ва 1263,7 минг гектарга буғдой экинлари жойлаштирилган. Бироқ, суғорма ерлардан самарали фойдаланиш, маълумки, уларнинг шўрланиш даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бугунги кун ҳолатига кўра, республикадаги ҳайдаладиган ерларнинг 56,0%и шўрланмаган ерлар, қолган 44,0%и турли даражада шўрланган ерлар ҳисобланади (2-жадвал).

2-жадвал.

Республика ҳудудларида ер майдонларининг тупроқ шўрланиш даражаси, минг га (2024 йил)[9]

Республика, вилоят	Жами шўрланган майдон	Шўрланиш даражаси:					
		Кучли	Улуши, %	Ўртача	Улуши, %	Кам	Улуши, %
Қорақалпоғистон Республикаси	366,6	20,4	5,6	182,7	49,8	163,5	44,6
Андижон	6,2	-	-	2,5	40,3	3,7	59,7
Бухоро	234,5	5,5	2,3	56,6	24,1	172,4	73,6
Жиззах	221,2	4,5	2,0	44,2	20,0	172,5	78,0
Қашқадарё	220,1	8,7	3,9	34,9	15,9	176,5	80,2
Навоий	95,6	0,7	0,7	10,1	10,6	84,8	88,7
Наманган	24,1	0,7	2,9	5,0	20,7	18,4	76,4
Самарқанд	5,8	-	-	0,4	6,9	5,4	93,1
Сурхондарё	92,8	1,2	1,3	28,5	30,7	63,1	68,0
Сирдарё	277,2	6,9	2,5	63,0	22,7	207,3	74,8
Тошкент	9,1	-	-	1	11,0	8,1	89,0
Фарғона	84,9	0,2	0,2	5,6	6,6	79,1	93,2
Хоразм	265,7	29,3	11,0	76,3	28,7	160,1	60,3
Жами:	**1903,8**	**78,1**	**4,1**	**510,8**	**26,8**	**1314,9**	**69,1**

Диссертацияда ҳудудлар кесимида қишлоқ хўжалиги суғорма ерларининг шўрланиш даражасининг ўзгариши таҳлил қилиниб, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос тенденциялари асослаб берилган ва тегишли хулосалар ишлаб чиқилган. Шунга асосан, монографик тадқиқот сифатида ўрганилган Тошкент вилоятида экин турларининг жойлаштирилиши ва унинг йиллар кесимида ўзгариш ҳолати таҳлил қилинди. Масалан, 2024 йилда 280,1 минг га суғориладиган майдонда деҳқончилик маҳсулотлари етиштирилган. Бу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан солиштирганда 1,2 %га ошган. 2024 йилда жами экин экилган суғориладиган майдоннинг 151,8 минг га донли экинлар, 10,8 минг га картошка, 28,5 минг га сабзавотлар, 3,0 минг га озиқбоп полиз маҳсулотлари, 61,5 минг га пахта ва 119,0 минг га буғдой етиштирилган. Таҳлил қилинаётган даврларда вилоятда фақат пахта ва буғдой экилган майдонлар ҳажми қисқарган (3-жадвал).


[9] Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

3-жадвал.

Тошкент вилоятида етиштирилган деҳқончилик маҳсулотлари (минг тонна) ва экин майдони ҳажми (минг га)[10]

Кўрсаткичлар	Йиллар				2024 й.ни 2021 й.га нисбати, %
	2021	2022	2023	2024	
Суғориладиган экин майдони	276,7	279,0	275,5	280,1	101,2
Донли экинлар ҳажми	572,2	602,9	651	659,3	115,2
Донли экинлар экин майдони	145,9	145,0	141,5	151,8	104,0
Ҳосилдорлик, ц/га	39,2	41,6	46,0	43,4	110,7
Картошка етиштириш ҳажми	350,0	372,8	386,1	386,7	110,5
Картошка экин майдони	9,3	11,2	11,0	10,8	116,1
Ҳосилдорлик, ц/га	377,5	332,6	349,9	357,5	94,7
Сабзавот етиштириш ҳажми	1039,6	1101,5	1154,7	1194,8	114,9
Сабзавот экин майдони	23,9	24,5	26,6	28,5	119,2
Ҳосилдорлик, ц/га	435,0	449,8	433,8	418,7	96,2
Озиқбоп полиз етиштириш ҳажми	54,9	65,4	69,9	75,3	137,2
Озиқбоп полиз экин майдони	2,3	2,6	2,5	3,0	130,4
Ҳосилдорлик, ц/га	238,3	248,8	283,0	252,4	105,9
Пахта етиштириш ҳажми	247,3	254,2	273,1	167,1	67,6
Пахта экин майдони	69,1	72,5	69,9	61,5	89,0
Ҳосилдорлик, ц/га	35,8	35,0	39,1	27,2	76,0
Буғдой етиштириш ҳажми	418,1	472,1	507,3	513,4	122,8
Буғдой экин майдони	119,6	119,3	115,4	119,0	99,5
Ҳосилдорлик, ц/га	35,0	39,6	43,9	42,8	122,3
Узум ҳажми	100,6	107,4	80,8	93,9	93,3

Тадқиқот жараёнида Тошкент вилояти мисолида қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишдаги муаммоларни аниқлаш мақсадида вилоятдаги фаолият олиб бораётган 200 та фермер хўжаликлари ўртасида сўровнома ўтказилди (4-расм).



4-расм. Сўровнома натижалари[11]

[10] Тошкент вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланган.

[11] Сўровнома натижалари асосида тайёрланган.

Сўровнома натижаларига кўра, ердан фойдаланишда респондентларнинг 37,8%и ер унумдорлигининг пастлиги, 62,2%и сув таъминотининг талабга жавоб бермасли, 17,8%и ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлиги, 4,4 %и ер бўйича кадастр маълумотлари ёки чегаранинг аниқ эмаслиги, 26,7%и давлат идораларига боғлиқ қийинчиликлар мавжудлиги, 4,4%и ерлардан ноқонуний фойланиш мавжудлиги, 13,3%и замонавий техника воситалари етишмаслиги ва эскирганлиги, 11,1%и ижара шартномаларидаги ноаниқликлар мавжудлиги, 44,4%и солиқ ва тўлов юкининг катталигини таъкидлашган. Диссертацияда шу маълумотларга асосланган ҳолда ушбу муаммоларнинг сабаблари ва уларни бартараф этишга оид амалий тавсиялар берилган.

“Қишлоқ хўжалигида ердан самарали фойдаланиш механизмлари” деб номланган диссертациянинг учинчи бобида қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш истиқболлари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалиги ерлари мониторинги ер тузишни яхшилаш ва давлат ер кадастрини юритиш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун зарурдир. Ушбу тадбир ер ресурсларини тўлақонли бошқаришга кўмаклашиши учун сифатли лойиҳага эга бўлиш зарур. Аҳоли пунктлари ва аҳоли пунктлариаро ҳудудларни лойиҳалаш ва режалаштириш бўйича янги марказлаштирилган зоналаштириш ва чора-тадбирлар тизимининг йўқлиги, мавжуд режа-картографик материаллар йилдан-йилга эскириб, ўз аҳамиятини йўқотиб борётганлиги, натижада эса уларни нафақат кадастр ишлари, ер мониторинги ва ер тузиш мақсадлари учун, балки, аҳоли ва қишлоқ хўжалиги корхоналари жамоаларининг ер айланмаси бўйича шаффоф маълумотлардан фойдаланиш имкониятини чеклаб қўймоқда.

Туманларда ахборот марказлари мавжуд бўлмаса, аҳолининг хабардорлиги паст бўлса ва кўпинча ер қонунчилиги ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятини тушунмаслик ҳолатлари кузатилса, ахборот маконида бўшлиқ пайдо бўлади ва фойдаланилаётган ерлар учун солиқларни етарли даражада йиғиб олмаслик ҳолатлари юзага келади. Шу боис, диссертацияда муаллиф томонидан ҳар бир туманда ер фонди ва ер муносабатлари бўйича ягона ахборот базасини яратиш ва амалиётга жорий этиш мақсадида туманлар ер муносабатлари бўйича маълумотларни тўплайдиган, сақлайдиган ва истеъмолчиларга тақдим этадиган рақамли технологияларга асосланган ахборот базаси (БАЗА ГАТ)ни ташкил этиш ва унинг таркибий тузилмаси тавсия этилган (5-расмга қаранг).

Ер ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган “Туман рақамли ахборот базаси” маълумотлари орқали ер участкаларини рўйхатга олиш, ерни баҳолаш, тупроқни бонитети, ер мониторинги билан боғлиқ ахборотларни, жумладан, қишлоқ хўжалиги (экин турлари, ҳосилдорлик, ердан фойдаланиш самарадорлиги), шу жумладан, суғориладиган ерлар (сув таъминоти, мелиорация ҳолати, шўрланиш даражаси), иқтисодий (ер солиғи, ижара қиймати, иқтисодий баҳоси, жарималар) ва ҳуқуқий (ердан фойдаланиш ҳуқуқи, чеклов ва сервитутлар, норматив-ҳуқуқий

ҳужжатлар)ни интеграциялаш орқали улардан фойдаланувчиларга сифатли ва тез хизмат кўрсатувчи ягона ҳамда қулай тизим яратилади.



5-расм. Геоахборот технологияларга асосланган “Туман рақамли ахборот базаси” (БАЗА ГАТ)ни ташкил этиш лойиҳаси[12]

Диссертацияда мазкур базанинг ер ресурсларини бошқариш тизимидаги иқтисодий-ижтимоий аҳамияти ва афзалликлари илмий-амалий жиҳатлардан асослаб берилган. Чунки, ушбу база маълумотлари асосида ерлардан рационал фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш мақсадида ер эгалари ва ундан фойдаланувчилар белгиланган муддатга ер учун тўловлардан озод қилиниши ва ер солиғини тўлашда имтиёзлар олиши мумкин. Давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари ерларни тиклаш ёки рекультивациялаш учун бюджет маблағлари ажратиши, улардан вақтинча фойдаланишдан чиқарилган (консервацияланган) ерлар учун қоплама тўловлар тўлаши, экологик тоза маҳсулотлар учун юқори баҳо белгилаши, ер сифатини яхшилагани, тупроқ унумдорлигини оширгани учун ер эгаларини имтиёзли рағбатлантириши лозим.

[12] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шунинг билан бирга, тупроқ унумдорлигини пасайтирганлиги, эрозия жараёнига йўл қўйганлиги, ер ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича қонунларни бузганлиги учун белгиланган суммада жарима белгиланиши ва ерни қайтариб олишгача бўлган жазо чоралари қўлланиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ерларнинг ифлосланишига йўл қўйган юридик ва жисмоний шахслар учун қонунчиликда ўрнатилган тартибда молиявий жарима ва маъмурий санкциялар жорий этиш ҳам ижобий самара беради деб ҳисоблаймиз. Бунда тупроқнинг ифлосланиш, заҳарланиш ва инсон саломатлигига етказилган зарар даражасини ҳисобга олиш талаб этилади. Шу боис, қишлоқ хўжалиги ерлари деградацияси даражасига қараб муаллиф таклиф этган индикаторлар асосида хўжаликларга давлат томонидан жарима белгилаш механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Натижада, нафақат ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, балки, атроф-муҳит ва ер-сув ресурслари тозалигини таъминлаш, қишлоқ аҳолиси учун қулай яшаш ва меҳнат қилиш имкониятлари янада кенгаяди.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг деградация даражасини ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан хўжаликларга жарима белгилашда, бизнингча, тадқиқотда муаллиф тавсия этган индикаторлар тизими ўзига хос аҳамиятга эга ва улар дунё амалиётидаги мавжуд бошқа тизимлардан тубдан фарқ қилади. Жумладан, ҳозирги солиқ тизимида солиқ базаси ер майдони ва тупроқ балл бонитетига қараб белгиланса, таклиф этилаётган механизмда эса тупроқнинг реал экологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда рағбатлантирилади. Шунингдек, мавжуд солиқ тизимида солиқ ставкаси ўзгармас тарифда ушлаб турилса, таклиф этилаётган механизмда индикаторлар ҳар йили ерлар деградация даражаси ўзгаришига нисбатан қайта ҳисоблаб чиқилади (4-жадвал).

4-жадвал.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг деградация даражасига асосан рағбатлантириш механизмининг афзаллиги[13]

Механизм	**Мавжуд тизим**	**Таклиф этилаётган янги тизим**
Солиқ базаси	Фақат ер майдони ва балл бонитети	Тупроқнинг реал экологик ҳолати
Солиқ ставкасининг ўзгарувчанлиги	Доимий	Ҳар йили ўзгариб туради
Солиққа тортиш учун маълумотлар манбаи	Кадастр маълумотлари	Спутник (NDVI), лаборатория, IoT сенсорлари
Асосий индикаторлар	йўқ	Органик моддалар миқдори, шўрланиш даражаси, эрозия
Фермерлар учун рағбатлантириш	Тупроқ бонитет бали ошганда солиқ ставкаси 25 ва 50% га камаяди	Тупроқни яхшиласа солиқ ставкаси 30–70% га камаяди

[13] Муаллиф томонидан тайёрланган.

